**41098471 -сон**
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИЛИШИ ТУГРИСИДА**
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

***Қарши шаҳар*** ***2022 йил "11" январ***

"**Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси** (кейинги уринларда - Компания) номидаи 2021 йил 30 декабрдаги 27-01-14/6031-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Кдшкадарё филиали директори **Ж.С.Бозоров** (кейинги уринларда - Оператор) бир томондан ва **Қарши шаҳар мактабгача таълим бўлими** номидаи Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тугрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи **Б.Муминов** (кейинги уринларда - Абонент) иккинчи томондан (кейинги Уринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари курсатилиши буйича куйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги уринларда - Шартнома) туздилар:

1. **Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини курсатиш тугрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги уринларда - Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади:
- Оператор томонидан курсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс туловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдикловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сузсиз қабул қилиши (акцептини) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида курсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолагандан сўнг . Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан такдим этиладиган хизматлар руйхати доирасида уз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат курсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни такдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан холла белгнланади.

2. Томонларнинг хукук ва мажбуриятларм

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддаснла белгилаган хукук ва мажбуриятларга эга булади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, уз хуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишинн таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. **Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома буйича Офертанинг 6-моддасига мувофик. хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсагилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада курсатилади ва ушбу Шартнома тузиган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абоненттулови 100 ( бир юз) фоиз микдорида олдиндан туланади. Дастлабки аванс тўлов олдиндан тўлов буйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) курсатилган миқдорга мувофиқ хар бир танланган хизмат тури учун алохида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти булган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни хисобга олган холла) **4 500 000 (тўрт миллион беш юз минг) сўм**ни ташкил этади. Ушбу суммни 100 % **4 500 000 000 (тўрт миллион беш юз минг) сўм** миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда миқдоридаги бир марталик туловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кушимча келишув такдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк кунн ичида ушбу Шартномада курсатгшган Операторнинг Шахсий (элекгрон) хисоб ракамига пул маблагларини утказиш йули билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хақини тулайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар курсатиш учун етарли маблағ булмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5- бандида курсатилган муддатда хар ойлик хисоб-фактура буйича тулов амалга оширилмагаи булса. Оператор ушбу Шартнома буйича хизматлар курсатилишини тухтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва такдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдатаиилмаслигн, Абонентга ушбу хизматлар учун туловларни амалга оширмаслигига асос була олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактиича тухтатншп. шунингдек, хисобот .даври (календарь ойи) учун исталмаган туловларнинг олдини олишни истаса. Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар куринишида реклама акцияларн доирасида Абонентга такдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида туланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан такдим этилган хизматлар, Шартномага муофик хар бир хизмат тури учун алохида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир хисоб-фактурада такдим этилган хизматларнинг тулиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш кунн мобайнида Оператор томонидан такдим этилган хисоб-фактура буйича уз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда такдим этмаса, ушбу хизмат тури буйича хисоб-фактура кабул килннган ва хизматлар тегишли тарзда курсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган такдирда, Оператор кейинги календарь ойида такдим этиладиган хизматлар учун тулов талабномасида (хисобида, хисоб-факгурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: WT17538204

баланси салбий булганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентни кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконняти берилиши мумкин.

4. **Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Узбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар булади (Томонларга нисбатан жавобгарлнкнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

5. **Низоларни хал килиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар буйича барча низолари на келишмовчилнклари Офертанимг 11 моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача хат этиш тартибига риоя қилинган ҳолла ўзаро келишув орқали хал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали хал этишнинг имкони бўлмагаи тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. **Ллохнда шартлар**

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ раиишда Ўзбекистон Респбликасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар курмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятлариии қатъий эътироф этган холла, ўзаро хамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар қандай холатларда ва ходисаларда (енгиб булмайдиган кучлар, форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаатни купи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортик муддат талаб этиса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. **Якунин қондалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиладн.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, томонлар (бюджет ташкнлоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом этирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинншини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларнда руйхатга олнnган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги хақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчапар (агар мавжуд булса) Шартнома предмета юзасидан Оператор ва Абонент уртасида тулик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулклорлари) узгарган тақдирда шу жумладан ташкилий хуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар руй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалда оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшиимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

**ОПЕРАТОР:**

**Узбектелеком АК Кашкадарё филилали**

Тел/факс: +99891954-83-97
Х/р: 20210000504074838334
СИТР: 203366731
МФО: 00401 Банк: АТБ «Алокабанк
Тел_1155 Call марказ, 75 221-53-00
E-mail: qashtel@uztelecom.uz

**Директор** ______ **Ж.Бозоров**
имзо
м.у.

**АБОНЕНТ:**

**Қарши шаҳар Мактабгача таълим бўлими**

Манзили: И.Каримов кўчаси 405 уй
Тел/факс: 226-28-23, 226-12-67
Ш/хр: 100022860104017091100251042
ИНН: 305154445 ОКОНХ: 85100
Уз. Рес. Молия вазирлиги Газначилиги
Х /р: 23402000300100001010
ИНН: 201122919 МФО: 00014
Банк :Тошкент ш Марказий банк ХККМ

**Рахбар:** **Б.Муминов**